



Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences

Journal home page:
<http://ijournal.uz/index.php/jartes>



Journal of Academic Research and
Trends in Educational Sciences
(JARTES)

VOL. 2, ISSUE 1

ISSN 2181-2675

[www.ijournal.uz](http://ijournal.uz)

ISSUES OF ORGANIZING EFFECTIVE RISK MANAGEMENT IN COMMERCIAL BANKS

B.M. Alimov¹

JSC "Xalq banki"

KEYWORDS

commercial banking, risk, risk appetite, monitoring, digital technologies, information technology

ABSTRACT

In this article, the risks that may arise in the banking system of the Republic of Uzbekistan and the effective structural elements and management methods of risk management are widely covered. Scientific views of foreign and local scientists on bank risk management were studied, analyzed and author's opinions were expressed. Also, methods of risk prevention in the banking system and directions for its improvement are proposed.

2181-2675/© 2023 in XALQARO TADQIQOT LLC.

DOI: [10.5281/zenodo.10430851](https://doi.org/10.5281/zenodo.10430851)

This is an open access article under the Attribution 4.0 International(CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

¹ Director of Internal Audit Department, JSC "Xalq banki", Uzbekistan

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РИСКЛАРНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

KALIT SO'ZLAR/

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:

тижорат банки, риск, риск аппетити, мониторинг, рақамли технологиялар, information technology

ANNOTATSIYA/ АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси банк тизимида вужудга келиши мумкин бўлган рисклар ва рискларни бошқаришнинг самарали таркибий элементлар ҳамда бошқариш усуллари кенг ёритиб берилган. Банк рискларини бошқариш бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий қарашлари ўрганилган, таҳлил қилинган ва муаллифлик фикрлар билдирилган. Шунингдек, банк тизимида рискларни олдини олиш усуллари ҳамда уни такомиллаштириш йўналишлари таклиф қилинган.

Кириш. Тижорат банклари рискларни бир транзакция бир қатор рискларга дуч келиши мумкин бўлганлиги учунгина эмас, балки бир турдаги риск бошқа турдаги рискларни келтириб чиқариши мумкин бўлганлиги учун ҳам бир биридан ажратмаган ҳолда биргаликда кўриб чиқиши ва баҳолаши керак. Турли рискларнинг ўзаро таъсири рискнинг ошишига (ёки пасайишига) олиб келиши мумкинлиги сабабли, рискларни бошқариш жараёни рискларнинг ўзаро таъсирини барча фаолият турларида ҳисобга олиши керак.

Ўзбекистон Республикасида банк секторини ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши сифатида кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш мувозанатлашган макроиқтисодий сиёsat юритиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш [1] белгиланганлиги банкларда рискларни бошқаришнинг халқаро тажрибаларини ўрганиш хусусан банк рискларини мониторинг қилиш, уларни самарали бошқариш тизимини тартибга солишни такомиллаштириш, банк тизими барқарорлигини таъминлашда рискларни мониторинг қилишнинг замонавий ёндашувларини ишлаб чиқиши талаб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

АҚШлик иқтисодчи олим Ж.Синкининг хulosасига қўра, портфелларида рисклар даражаси юқори бўлган тижорат банклари Базель қўмитасининг банк назорати бўйича янги талаблари жорий этилгандан сўнг тўланадиган дивидендлар миқдорини камайтиришга, иш ўринларини қисқартиришга, айрим активларини сотишга мажбур бўлишди. Бу эса, уларнинг инвестицион жозибадорлигига нисбатан

салбий таъсирни юзага келтирди².

Хорижлик бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг хулосасига кўра, тижорат банки раҳбариятининг давлат томонидан қутқариш бўйича бериладиган кафолатга ишониши ўта юқори даражадаги рискларни қабул қилинишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, йирик банклар, валюта операцияларини амалга ошириш кўламини жуда кенглиги натижасида, юзага келадиган иқтисоддан ютишлари мумкин. Йирик банкларнинг рискларни тақсимлаш имкониятини катта эканлиги уларнинг кичик банкларга нисбатан рискларни қабул қилишдаги устуналигини белгилайдиз.

Ушбу хулоса Ўзбекистон банк амалиёти учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, республикамизда давлат банклари давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги ПҚ-3694-сонли “Ўзбекистон Республикаси акциядорлик-тижорат Халқ банки ва “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг молиявий ҳолатини яхшилаш ҳамда фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан:

- 2018-2019 йилларда Халқ банки устав капиталини 1,245 триллион сўмга, шундан республика бюджети маблағлари ҳисобидан 645 миллиард сўм ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан эквиваленти 75 миллион АҚШ доллари, жумладан 2018 йилда тегишинча 250 миллиард сўм ва эквиваленти 30 миллион АҚШ доллари миқдорида ошириш;
- 2018-2019 йилларда Микрокредитбанк устав капиталини республика бюджети маблағлари ҳисобидан 450 миллиард сўмга, шундан 2018 йилда – 100 миллиард сўмга ошириш кўзда тутилди;
- Халқ банки ва Микрокредитбанк 2023 йил 1 январга қадар белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган банк жиҳозлари ва техникаларини олиб кириш учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) озод қилинди⁴.

Иккинчидан, тижорат банкларини давлат томонидан фаол тарзда молиявий қўллаб-қувватланиши улар томонидан жуда юқори даражадаги рискларни қабул қилишга шароит туғдиради. Фикримизни исботи сифатида Халқ банкининг

² Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 447-448.

³ Berger A. N., El Ghoul, S. Guedhami, O. and Roman R. A. (2017). Internationalization and Bank Risk. Management Science, 63(7), pp. 2283–2301.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги ПҚ-3694-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси акциядорлик-тижорат Халқ банки ва “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг молиявий ҳолатини яхшилаш ҳамда фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида// (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.05.2018 й., 07/18/3694/1166-сон; 13.12.2019 й., 06/19/5893/4150-сон; 01.01.2020 й., 07/20/4555/4257-сон, 31.12.2020 й., 07/20/4938/1680-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.04.2021 й., 06/21/6218/0398-сон; 08.04.2022 й., 07/22/198/0282-сон, 09.04.2022 й., 06/22/101/0288-сон).

фаолиятидаги кредит риски даражасига эътиборни қаратамиз. 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари бўйича муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши 5,2 фоизни ташкил қилгани ҳолда, Халқ банкида ушбу кўрсаткич 19,7 фоизни ташкил этди⁵.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бу каби салбий молиявий натижаларга олиб келувчи ҳолатлар олдини олиш ва банк тизимида мижозлар манфаатлари ҳимоя қилинишини самарали бошқариш воситаларидан асосийлари сифатида асосан банк капиталини [6], бир қарз оловчи ёки бирбирига дахлдор қарз оловчилар грухига таваккалчиликнинг энг кўп миқдорини, йирик кредит таваккалчилик ва инвестицияларнинг энг кўп миқдорини [8], ликвидлилик коэффициенти[9] белгилаш бўйича методологик асосларини такомиллаштириш ва улар бўйича талабларни босқичма-босқич ошириб бориш йўлини танлади десак хато бўлмайди.

Таҳлил ва натижалар

Жаҳонда банк рискини бошқариш ва уларни мониторинг қилиб бориш тизимида йўл қўйилган камчиликлар нафақат мамлакат банк тизимининг инқиrozли ҳолати авж олишига, балки молия бозорининг бошқа сегментларига трансформацияланиши ҳисобига мамлакат миқёсида тизимли рисклар юзага келиши, хусусан, ривожланган давлатлардан бири ҳисобланса-да, АҚШ тижорат банклари ва ипотека ташкилотлари томонидан ажратилган кредитлар таркибида муаммоли кредитлар салмоғининг асоссиз кўпайишига йўл қўйиш натижасида ишончсиз қарз оловчилар ўртасида кредитни қайтармаслик ҳолатлари кескин ортиши, молия бозорида ипотека қимматли қоғозлари инвестицион жозибадорлигининг шиддат билан пасайишига олиб келмоқда.

Ўзбекистонда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида банк тизимида халқаро валюта жамғармаси кўмагида иқтисодиётда вужудга келиши мумкин бўлган рискларни аниқлаш, уларнинг банк тизими барқарорлигига таъсирини баҳолашга қаратилган стресс-тест моделларини ишлаб чиқиш ҳамда юзага келиши мумкин бўлган молиявий йўқотишларга банкларнинг бардошлигини таъминлаш мақсадида макропруденциал буферлар яратиш чораларини кўриб бориш устувор вазифалар сифатида белгиланган. Мамлакатимизда мавжуд банк рискларини мониторинг қилиш тизимининг ҳозирги ҳолатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларида мониторинг қилишда яхлитлик ва мувозанат мавжуд эмаслиги, норматив-хуқуқий қонунчиликнинг тарқоқлиги ва услубий таъминотнинг замонавий талабларга жавоб бермаслиги, банк тизимида рўйхатга олиш компонентининг устунлиги ҳамда диагностика ва прогнозлаш функциялари етарли даражада шаклланмаганлиги банк

⁵ Тижорат банкларининг муаммоли кредитлари. 2022 йил 1 январь ҳолатига маълумот//www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки).

рискларини комплекс мониторинг қилиш миллий тизимини назарий ва услубий жиҳатдан такомиллаштиришни талаб этади.

Тижорат банклари рискларини бошқаришнинг самарали таркиби қуидаги асосий элементларни ўз ичига олиши лозим:

- банкнинг рискларни қабул қилиш ва бошқаришда иштирок этадиган орган ва шахсларининг, шу жумладан, кузатув кенгаши, рискларни бошқариш қўмитаси, банк бошқаруви ва рискларни бошқариш таркибининг банк рискларини бошқаришдаги роли (функциялари), ваколатлари ва мажбуриятларини (масъулиятлари) аниқ белгилаб берадиган рискларни бошқарувчи ташкилий тузилмани;
 - рискларни бошқариш маданияти, ахлоқ кодекси ҳамда манфаатлар тўқнашувининг олдини олишни;
 - риск appetiti ва унинг натижасида пайдо бўладиган риск лимитларини;
 - рискни бошқариш тизимини – рискларни аниқлаш, ўлчаш, ҳисботларни тайёрлаш, мониторинг ва назорат қилишни ўз ичига оловчи рискларни бошқаришнинг аниқ ифодаланган меъёрий ҳужжатлари, методлари, инструментлари ва жараёнлари;
 - янги маҳсулотларни жорий қилиш сиёсатини;
- рискни информацион бошқариш тизими.

«Банк рискларини мониторинг қилиш» тушунчасининг тарихий ўзгаришини таҳлил қилиш, шунингдек, унинг мазмунини очишнинг асосий ёндашувлари генезисининг таҳлили мониторингнинг кўп қиррали ва турли йўналишли намоён бўлиш хусусиятига эга деган холосага келишга имкон берди. Олиб борилган тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан банк рискларини мониторинг қилиш – назоратнинг функционал шакли ҳисобланиши ҳамда молиявий фаолиятнинг ижтимоий аҳамиятга молик соҳалари рискларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши таҳдидларига қарши курашиш тизимини (зарур назорат муҳитини сақлаш ҳамда рисклар ва уларнинг оқибатларини камайтиришга қаратилган тизим), шунингдек, банк тизими бошқарувининг барча даражаларида мустақил фаолият шаклини ҳосил қиласи, деган холоса шакллантирилди.

Банк рисклари мониторингини ўтказиш ва ривожлантириш амалиёт учун ҳам, назария учун ҳам нафақат риск-хавфлар түғрисида тезкор маълумот олиш имконини беради, балки бу йўналишдаги замонавий



1-расм. Банк тизимининг барқарорлиги, ишончлилигини таъминлашда банк рисклари мониторингининг ўрни ва роли⁶

тенденция ва механизмларини аниқлаш, шунингдек, банк секторининг ривожланиш истиқболлари ҳақида хulosса чиқариш имконини ҳам беради. Шу муносабат билан банк рискларини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг бундай тизимига эҳтиёж мавжуд бўлиб, бу алоҳида кўрсаткичларнинг банкларнинг ва бутун банк тизимининг комплекс баҳолашига ҳамда ҳозирги ва истиқболдаги вақтда умумий ҳолатига таъсирини кўриш имконини беради. Дарҳақиқат, ҳар қандай мамлакат учун банк тизимининг нафақат ҳозирги ҳолати, балки ривожланиш истиқболлари ҳам муҳимдир, бу унинг иқтисодиётдаги асосий позицияси билан изоҳланади⁷.

Рискларни мониторинг қилиш элементларидан ҳисобланган уларни бошқаришда фойдаланиладиган йўналишлари рискларни кели чиқиш сабаби билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни ўрганиш - бу рискларни бошқариш сиёсати ҳисобланади (1-расм).

Хulosса қилиб айтганда, банк рискларини мониторинг қилиш - бу назоратнинг функционал шакли ҳисобланади (амалда у ўлчанадиган индикатор параметрлари

⁶ Муаллиф томонидан тайёрланган

⁷ Травкина Е.В. Роль мониторинга банковских рисков в обеспечении устойчивости банковского сектора России // Вестник Саратовского государственного социально-экономического университета. 2012. №4 (43). С.138.

таржимонидан фойдаланган ҳолда банк рискларининг ҳолатини мониторинг қилиш, баҳолаш ва прогноз қилиш учун узлуксиз диагностика жараёни кўринишидаги рискларни бошқаришни англатади) ҳамда молиявий фаолиятнинг ижтимоий аҳамиятга молик соҳаларида рискларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши таҳдидларига қарши курашиб тизимини (зарур назорат муҳитини сақлаш ҳамда рискларни ва уларнинг оқибатларини минималлаштиришга қаратилган тизим), шунингдек, банк тизими бошқарувининг барча даражаларида мустақил фаолият шаклини (тижорат банклари, уларнинг мутахассислари ва ихтисослаштирилган бўлинмаларининг маҳсус воситалар ва услубий техникалардан фойдаланган ҳолда ташкил этилганфаолият шакли) ҳосил қиласди.

Тижорат банклари фаолиятида юзага келувчи рискларнинг аҳамиятлилик даражасини эксперт баҳолаш натижалари бўйича юқори аҳамиятли бўлган кредит рисклари бугунги кунда Ўзбекистон тижорат банклари фаолиятида асосий муаммолардан бири десак тўғри бўлади.

Банк рискларини мониторинг қилиш ва уларни самарали бошқариш борасида ривожланган ва ривожланаётган давлатлар (Буюк Британия, Канада, Япония, Германия, Россия Федерацияси) тажрибасидан келиб чиқиб, банк рисклари натижасида келиб чиқувчи бозор таваккалчилигини бошқариш қуйидаги босқичлардан иборат бўлиши таклиф этилди (2-расм).



2-расм. Банк рискларини бошқариш босқичлари⁴

Банк бозор таваккалчилигининг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш ни баҳолаш мақсадида кўрсаткичлар тизимини жорий этади. Бозор таваккалчиликларини бошқариш кўрсаткичлари тизими банк фаолиятининг аниқ йўналишига таъсир этувчи бозор таваккалчилигини камайтириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинишига хизмат киласди. Банк рискларини мониторинг қилиш давомида бозор таваккалчилигини баҳолаш ва самарали бошқариш мақсадида тижорат банки бозор таваккалчилиги миқдорини ҳисоблайди ва динамикасини кузатиб боради. Бунда бозор таваккалчилиги миқдори қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$MR = \frac{100}{K_1} \times OCP \times 100\% \quad (1)$$

К1

бу ерда:

MR - Бозор таваккалчилиги;

К₁ - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган регулятив капитал монандлигига қўйилган меъёрнинг энг кичик даражаси;

ОСР - очиқ валюта позициялари⁵.

Илғор хорижий тажрибаларни тадқиқ этиш натижалари (Россия Федерацияси тажрибаси) кўрсатадики, фоиз таваккалчилигини баҳолаш қўйидаги инструментларга нисбатан амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

банк кредитларининг ўртача фоиз ставкасига;

банк мажбуриятлари (депозитлари) ўртача фоиз ставкасига;

жалб қилинган ресурслар ва уларни жойлаштириш ҳисобига шакллантирилган активларнинг муддати жиҳатидан мувофиқлаштирилганлигига.

Рискларни бошқариш ва уларни мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришда Халқаро Базель қўмитаси талаблари асосида қўйидагиларни амалга ошириш тавсия этилади:

биринчидан, ҳар бир тижорат банклари ўз фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда операцион, ликвидлилик, фоиз, валюта ва кредит рисклари бўйича стресс-тестларнинг янги моделларини татбиқ этиши лозим.

Банк рискларини мониторинг қилиш мақсадида қўйидаги асосий чоратадбирлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

банк томонидан таваккалчиликларни кўриб чиқишида таваккалчиликни фақат баҳолаш эмас, балки бу таваккалчиликка таъсир этувчи асосий омилларни жратиш ва баҳолаш ҳамда бозор ҳолатини прогноз қилиш;

тўсатдан пайдо бўлган таваккалчиликлар натижасида юзага келган йўқотишларни қоплаш мақсадида зарур ҳолларда захиралар шакллантириш;

ҳар бир таркибий бўлинма аниқ ўрнатилган ваколат ва ҳисбдорлик доирасида фаолият юритган ҳолда, юқори даражада бозор таваккалчилигини юзага келтирувчи операциялар олдидан коллегиал қарорлар қабул қилиш. Бозор таваккалчилиги натижасида вужудга келувчи йўқотишларни олдиндан билиш ва турли ҳолатларга тайёр туриш мақсадида стресс-тестлаш амалиёти ўтказилиши мумкин.

Стресс-тести молиявий институтларда рискларни таҳлил қилишнинг кенг тарқалган усули ҳисобланади. Банк регламенти банклар ички рейтингларни қўллашда стресс-тестдан мажбурий фойдаланишни белгилайди. Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг тавсияларига мувофиқ, ички рейтинг моделларидан фойдаланувчи банклар капиталнинг етарлилигини баҳолаш учун стресс-тестини ўтказиши керак⁶.

Стресс-тестдан молиявий регуляторлар (марказий банклар ва пруденциал агентликлар) ва халқаро ташкилотлар (ХВЖ каби) банк ва молия тизимларининг мустаҳкамлигини баҳолаш учун фаол фойдаланилади.

иккинчидан, рискларни бошқариш ва мониторинг қилиш жараёнига лимитлаш, ваколатларни тақсимлаш ва қарорлар қабул қилиш тизимларини, риск ҳақида мунтазам ҳисобот бериш каби воситаларни киритиш зарур.

Бу йўналишда банк рискларни бошқариш ва мониторинг қилиш жараёнига лимитлаш доирасида риск аппетити ва стратегиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Қуйида риск аппетити орқали амалга оширилувчи ликвидлилик рискини бошқариш стратегияси ва риск аппетитининг бардошлилик даражаси келтирилган (3-жадвал).

Рискларни бошқариш стратегияси ва банк риск-аппетити - рискларни бошқаришдаги муҳим элементлардир. Бу ҳужжатда банқдаги мавжуд рисклар, уларни бошқариш усуллари, мақсадли параметрлар белгиланади. Риск-аппетит стратегик мақсад ва бизнес-режа қўрсаткичларига эришиш учун банк томонидан қабул қилиниши мумкин бўлган эҳтимолий заарларнинг жамланиб белгиланган чегаравий даражасидир.

учинчидан, банк Бошқаруви органлари томонидан рискларни комплекс ўрганишда рискларни бошқариш жараёнини банкнинг бизнес жараёнларига интеграциялашган «учта ҳимоя чизифи»ни таъминлаш орқали амалга ошириш ўзининг ижобий самарасини бериш мумкин (3-расм).



3- расм. Банк рискларини мониторинг қилиш ва бошқаришнинг «учта ҳимоячизифи» механизми⁷

Бунда, таваккалчиликларни қабул қилиш (1-ҳимоя чизифи) - таваккалчиликларни тўғридан-тўғри тайёрлаш ва амалга ошириш, идентификациялаш ва баҳолаш жараёнлари, шунингдек таваккалчиликларни

мониторинг қилиш, уларни бошқариш бўйича ички меъёрий ҳужжатларнинг талабларини билиш ва уларга риоя қилиш, операцияларни амалга оширишда таваккалчилик даражасини ҳисобга олиш лозим;

таваккалчиликларни бошқариш (2-ҳимоя чизифи) - банкнинг риск менежмент департаменти таваккалчиликларни бошқариш механизmlари ва методологиясини ишлаб чиқади, баҳолашни амалга оширади ва таваккалчилик даражасини мониторинг қиласди, таваккалчиликлар бўйича ҳисоботларни тузади, банкнинг таваккалчилик даражасини текширади, маслаҳатлар беради, моделлаштиради ва умумий профилини тўплайди, иқтисодий капиталга талаб миқдорини ҳисблайди. Ички назорат департаменти рискларни бошқариш амалиёти, ички назорат,

қонунчилик ва маъмурий қоидаларга риоя қилиш, ички меъёрий ҳужжатларни жорий этишнинг доимий мониторингини амалга оширишва адолатсиз ҳаракатлар фактларини текширади;

ички аудит (З-ҳимоя чизифи) - ички аудит департаменти мавжуд таваккалчиликларни бошқариш жараёнлари сифатини мустақил баҳолашни амалга оширади, бузилишларни аниқлайди ва таваккалчиликларни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди⁸.

Замонавий тижорат банкларидаги рискларни бошқариш тизимига банкнинг барча бўғинлари жалб этади. Илғор тажрибада рискларни бошқариш тизими «учта та ҳимоя чизифи» механизмини ташкил этишга асосланган.

Банк рискларини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришдорасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб, банкрискларининг мазмун-моҳияти, уларни бошқариш ва мониторинг қилиш тизимива тамойиллари, банк рискларини мониторинг қилишдаги замонавий ёндашув ва тенденциялар борасида қуидаги муҳим хуносалалар шакллантирилди:

1. Банк рисклари - банкларнинг молиявий фаолияти давомида турли омиллар таъсирида банк ликвидлигининг эҳтимолий йўқотишлариdir. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, банк томонидан ноаниқ ахборотлардан бошқарув ёки қарорларни қабул қилишда фойдаланилиш мазкур эҳтимолий йўқотишлар даржасини оширади ва рискларни молиявий заарлар билан алмашинувига олиб келади.

2. Банк рискларини мониторинг қилиш - назоратнинг функционал шакли ҳисобланиб молиявий фаолиятнинг ижтимоий аҳамиятга молик соҳаларида рискларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши таҳдидларига қарши курашиш тизимини, шунингдек, банк тизими бошқарувининг барча даражаларида мустақил фаолият шаклини ҳосил қиласи.

Тадқиқотлар натижасида тузилган банк рискларининг такомиллашган комплекс таснифига асосланиб айтиш мумкинки, биринчи навбатда банкрискларини ташқи ва ички омиллар таъсирида юзага келувчи рисклар сифатида анъанавий таснифлаш муҳим ҳисобланади. Шунингдек, банк рискларини таснифлашда банкларнинг стратегик жиҳатдан ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ бир қанча рисклар мавжуд. Жумладан, бу банк рисклари сирасига банкнинг мувозанатлашмаган (беқарор) ликвидлик риски, ўзгарувчан фоиз риски, даромадни эҳтимолий йўқотиш риски, рақобатбардошликини таъминлай олмаслик риски, капитал ва унинг беқарор оқими билан боғлиқ риск, бошқарув фаолияти билан боғлиқ рисклар киритилади.

3. Банк рискларини мониторинг қилишнинг асосий субъекти тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотларининг фаолиятини мониторинг қилувчи Марказий банк ҳисобланади. Марказий банк томонидан кредит ташкилотларининг

барқарорлигини таъминлаш учун мажбурий стандартлар ўрнатилади.

4. Банк рискларини мониторинг қилиш моҳиятини тўлиқ англаш учун унинг банк тизими фаолиятидаги ўрни билиш ва унинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамиятини аниқлаш керак. Шу нуқтаи назардан, банк рискларини мониторинг қилиш зарурати банкларнинг алоҳида иқтисодий ва ижтимоий табиати, шунингдек, уларнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамияти билан белгиланади.

5. Тижорат банклари фаолиятида юзага келувчи рискларнинг аҳамиятлилик даражасини эксперт баҳолаш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда тижорат банклари фаолиятида кредит рисклари, операцион рисклар, валюта рисклари билан боғлиқ молиявий фаолият натижасида содир бўлувчи рисклар юқори аҳамиятга эга бўлиб, эксперт баҳолаш натижалари ликвидлилик риски ўрта даражали риск сифатида баҳоланмоқда.

6. Ҳозирги кунда тижорат банклари томонидан ажратилган умумий кредитлар миқдорида давлат улуши мавжуд тижорат банкларининг ҳиссасиюқори эканлиги мазкур банклар фаолиятида рискларни мониторинг қилиб бориш ва мониторинг натижалари асосида мазкур рискларни камайтириш борасида кечикириб бўлмайдиган чораларни кўриш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги ПФ-5992-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 13-июндаги 14/3-сонли “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги”ги низоми ва унга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-10).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги”ги низоми (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 20 августда 1509 рақами билан рўйхатга олинган).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги” низоми (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 13 августда 2709 рақами билан рўйхатга олинган).

6. www.cbu.uz.